O‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Bulung‘ur tuman
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Булунгурского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 yil «30» сентябр *№ 768 - Q* *Bulung’ur t., - р. Булунгур*

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 14 моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й, 5-6-сон, 97-модда, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 йил 29-30-сон, 277-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ўринларини энг кам миқдорини белгилаш юзасидан таклифларни инобатга олиб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиши лозим бўлган тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қайд қилинган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар қуйидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар тоифалари учун иш ўринларини банд қилиб қўйишни таъминласин.

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 40 % фоиз (215 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 52 % фоиз (280 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 3 % фоиз (16 киши);

ногиронлар учун 3 % фоиз (10 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 1 % фоиз (6 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар 1 фоиз (3 киши);

одам-савдоси қурбонлари учун 1 % фоиз (2 киши).

Атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий ахамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун 1 % фоиз (2 киши).

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2021 йилнинг 10 апрелигача квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизини, 2021 йилнинг 20 декабр санасидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларини кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон Қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомига (кейинги ўринларда Низом деб аталади) мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда захиралаб қўйилишини (ажратилишининг ёки банд этиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария, гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахслари амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши кўрсатиб ўтилсин.

6. Ушбу қарорда белгилаб қўйилган тоифаларга мансуб шахсларни ортиғи билан қабул қилган корхона, ташкилот ва муассасаларга Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган (31.05.2019 й. № 3163) 2019 йилнинг 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги 19-2019-Б-сонли бўйруғига асосан субсидия ажратилишини таъминласин.

7. Низом талабига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган

шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдоридан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу ўринларни ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини Марказ билан тузилган шартнома асосида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Марказ директори (Б.Босимов) беш кун муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Туман ҳокимининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 2497 -Қ-сонли қарори 2020 йилнинг 31 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимнининг биринчи ўринбосари Д.Шакарбоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б.Бахрамов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI PAYARIQ TUMANI HOKIMLIGI
DEVONXONA

Булунғур туман ҳокимининг 30 сентябрдаги 768 сонли қарорига
1- илова

2021 йилда Булунғур тумани бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва ишга топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар сони	Штат жадвали бўйича ходимлар сони	Жойлашган манзили	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	шу жумладан:							
					14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг давлат гранглари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Атрофдагилар учун хавф тугдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун
А	1			2	3	4	5	6	7	8	9	
1	Булунғур тумани 1-умумий ўрта таълим мактаби	100	Наябахор мфй	10	4	6						
2	Булунғур тумани 2-умумий ўрта таълим мактаби	112	Қилдон мфй	10	4	6						
3	Булунғур тумани 3-умумий ўрта таълим мактаби	93	Каттақишлоқ қишлоғи	9	3	5	1					
4	Булунғур тумани 4-умумий ўрта таълим мактаби	73	Олмазор қишлоғи	7	3	4						
5	Булунғур тумани 5-умумий ўрта таълим мактаби	118	Сохибкор мфй	11	5	6						
6	Булунғур тумани 6-умумий ўрта таълим мактаби	74	Чанғал қишлоғи	7	2	4		1				
7	Булунғур тумани 7-умумий ўрта таълим мактаби	50	Небуса мфй	5	2	3						
8	Булунғур тумани 8-умумий ўрта таълим мактаби	65	Олқартепа қишлоғи	6	3	3						
9	Булунғур тумани 9-умумий ўрта таълим мактаби	75	Оломон қишлоғи	7	3	3	1					
10	Булунғур тумани 10-умумий ўрта таълим мактаби	51	Формонтепа қишлоғи	5	2	3						
11	Булунғур тумани 11-умумий ўрта таълим мактаби	90	Ниёзмат мфй	9	4	4		1				
12	Булунғур тумани 12-умумий ўрта таълим мактаби	63	Солин қишлоғи	6	2	4						
13	Булунғур тумани 13-умумий ўрта таълим мактаби	127	Мўғол қишлоғи	11	5	5			1			
14	Булунғур тумани 14-умумий ўрта таълим мактаби	63	Картархона қишлоғи	6	2	3		1				
15	Булунғур тумани 15-умумий ўрта таълим мактаби	65	Октепа қишлоғи	6	2	4						

16	Булунғур тумани 16-умумий ўрта таълим мактаби	56	Девонатепа қишлоғи	5	2	2	1					
17	Булунғур тумани 17-умумий ўрта таълим мактаби	55	Пахтабоши қишлоғи	5	3	2						
18	Булунғур тумани 18-умумий ўрта таълим мактаби	95	Боғбон қишлоғи	8	3	4						1
19	Булунғур тумани 19-умумий ўрта таълим мактаби	59	Бот бот қишлоғи	5	2	2		1				
20	Булунғур тумани 20-умумий ўрта таълим мактаби	48	Бирлик қишлоғи	4	2	2						
21	Булунғур тумани 21-умумий ўрта таълим мактаби	44	Бот бот қишлоғи	4	1	2	1					
22	Булунғур тумани 22-умумий ўрта таълим мактаби	98	Сайилгох кучаси 51 уй	8	3	5						
23	Булунғур тумани 23-умумий ўрта таълим мактаби	123	Сайилгох кучаси 1 уй	10	4	5	1					
24	Булунғур тумани 25-умумий ўрта таълим мактаби	73	Ғубдин қишлоғи	7	2	4		1				
25	Булунғур тумани 26-умумий ўрта таълим мактаби	47	Октош қишлоғи	4	1	2			1			
26	Булунғур тумани 28-умумий ўрта таълим мактаби	48	Мирзаарик мфй	4	2	2						
27	Булунғур тумани 30-умумий ўрта таълим мактаби	43	Шурбуданэ қишлоғи	4	1	2	1					
28	Булунғур тумани 31-умумий ўрта таълим мактаби	49	Коровултепа қишлоғи	4	2	2						
29	Булунғур тумани 34-умумий ўрта таълим мактаби	50	Улуғбек мфй	5	2	2				1		
30	Булунғур тумани 35-умумий ўрта таълим мактаби	92	Эрганакли қишлоғи	9	3	5	1					
31	Булунғур тумани 36-умумий ўрта таълим мактаби	95	Мингчинор мфй	8	3	4						1
32	Булунғур тумани 37-умумий ўрта таълим мактаби	60	Бешкуви мфй	6	3	3						
33	Булунғур тумани 38-умумий ўрта таълим мактаби	82	Чангал қишлоғи	8	3	4			1			
34	Булунғур тумани 40-умумий ўрта таълим мактаби	64	Қизилқушин қишлоғи	6	2	3		1				
35	Булунғур тумани 42-умумий ўрта таълим мактаби	61	Кичик килдон мфй	6	3	3						
36	Булунғур тумани 43-умумий ўрта таълим мактаби	53	Хужабачча мфй	5	2	3						
37	Булунғур тумани 44-умумий ўрта таълим мактаби	54	Мехтар мфй	5	2	2	1					
38	Булунғур тумани 45-умумий ўрта таълим мактаби	86	Чангал қишлоғи	8	4	4						
39	Булунғур тумани 46-умумий ўрта таълим мактаби	61	Самарқанд кучаси	6	2	3			1			
40	Булунғур тумани 48-умумий ўрта таълим мактаби	55	Солин қишлоғи	5	2	3						
41	Булунғур тумани 49-умумий ўрта таълим мактаби	63	Чангалпоён мфй	6	2	3		1				
42	Булунғур тумани 50-умумий ўрта таълим мактаби	44	Кўштамғали қишлоғи	4	2	2						
43	Булунғур тумани 51-умумий ўрта таълим мактаби	53	Жаманжар қишлоғи	5	2	2	1					
44	Булунғур тумани 55-умумий ўрта таълим мактаби	49	Навбахор мфй	4	2	2						
45	Булунғур тумани 57-умумий ўрта таълим мактаби	49	Исорн ўроқли қишлоғи	4	2	2						
46	Булунғур тумани 58-умумий ўрта таълим мактаби	44	Эсонтурди мфй	4	2	2						
47	Булунғур тумани 60-умумий ўрта таълим мактаби	41	Омонтурди қишлоғи	4	2	2						
48	Булунғур тумани 62-умумий ўрта таълим мактаби	53	Қиркахмад қишлоғи	5	2	2		1				
49	Булунғур тумани 65-умумий ўрта таълим мактаби	59	Сарпичоқ мфй	5	2	3						
50	Булунғур тумани 66-умумий ўрта таълим мактаби	41	Хатча қишлоғи	4	2	2						

51	Булунғур тумани 68-умумий ўрта таълим мактаби	41	Сарпичоқ мфй	4	1	2	1					
52	Булунғур тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	51	Сайилгоҳ кўчаси 102 уй	5	2	3						
53	Булунғур тумани 9-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби	62	Дўланазор кўчаси 1 уй	6	3	3						
54	Булунғур тумани 1-мактабгача таълим муассасаси	87	Ўзбекистон кўчаси 56 уй	8	3	5						
55	Булунғур тумани 2-мактабгача таълим муассасаси	36	Ф.Йўлдош кўчаси 78 уй	3	1	1	1					
56	Булунғур тумани 6-мактабгача таълим муассасаси	31	С.Рахимов кўчаси 35 уй	3	1	2						
57	Булунғур тумани 8-мактабгача таълим муассасаси	85	У.Носир кўча	8	3	5						
58	Булунғур тумани 9-мактабгача таълим муассасаси	68	Мехржон мфй	6	3	3						
59	Булунғур тумани 12-мактабгача таълим муассасаси	44	Сохибкор мфй	4	1	2	1					
60	Булунғур тумани 13-мактабгача таълим муассасаси	40	Янгиобод мфй	4	2	2						
61	Булунғур тумани 23-мактабгача таълим муассасаси	29	Мингчинор мфй	2		1					1	
62	Булунғур туман Тиббиёт бирлашмаси	1360	Ўзбекистон кўчаси 96 уй	130	55	72		1	1		1	
63	Булунғур туман Ободонлаштириш бошкармаси	144	Дўланазор кўчаси 3 уй	14	5	6	1		1	1		
64	Булунғур туман "Баркамол авлод" болалар маркази	40	Дўланазор кўчаси 2 уй	4	1	2	1					
65	"Булунғурдавсувмахсуспудрат"давлат унитар корхонаси	49	Оқтепа кўчаси 69 уй	4	1	2	1					
66	Булунғур туман Маъданият бўлими	53	Мустақиллик кўчаси 5 уй	5	2	2		1				
67	"Булунғур Сандвик" агрофирмаси	151	Дўстлик кўчаси 1 уй	15	6	7	1			1		
	Жами	**5737**		**534**	**215**	**280**	**16**	**10**	**6**	**3**	**2**	**2**

_____ 20 _____ 765 сонли қарорига
1-илова

2021 йилда _____ туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд
МАЪЛУМОТ

№	Ҳудудлар номи	Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этиладиган картона ва ташкилотлар сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этиладиган иш ўринлари сони	шу жумладан:							
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақириғи захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсионерлар ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Атрофдагилар учун хавф тугдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун
А	В	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Булунғур тумани	67	534	215	280	16	10	6	3	2	2